



Adolat


O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqarib boshlagan 2002 yil 11 oktabr juma № 41 (380) sotuvda erkin narxda

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИ КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ислом КАРИМОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ
ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
АСОСЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чакирди Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасини ўзбек ва рус тилларида кўп нусхада чоп этди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Аёнки, муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи — бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифадир. Президентимиз белгилаб берган вазифаларнинг устувор йўналишлари китобда батафсил кўрсатиб ўтилган.

Бу устувор йўналишлар куйидагилардан иборат. Энг муҳим устувор мақсад — тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буюн ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади. Иккинчи устувор йўналиш — мамлакатимизда ҳавфсизлик ва

барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларнинг тинчлиги ва оқсоқиллигини таъминлашдан иборат. Учинчи устувор йўналиш — бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодийнинг муҳим шарт бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат. Тўртинчи устувор йўналиш — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жаиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қозғалда эмас, амалий ҳаётда жорий этишдир. Бешинчи устувор йўналиш — жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, яъни «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини ҳаётга жорий этиш демокдир. Олтинчи устувор йўналиш — бу суд ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат.

Китобда таъкидланганидек, қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

Нихоят, еттинчи устувор йўналиш — бу барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самардорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир. Яъни, демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдир.

Зикр этиб ўтилган устувор вазифаларни амалга ошириш, аввало, ўзимизга, олиханоб мақсад-муддolariмиз сари оғишмай, қатъият билан боришимизга, ташаббус ва тadbirkorликимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдидаги бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ эканлиги Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланган.

(ЎзА).



Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида пахта йиғим-терими тобора қизғин паллага кирмоқда. Ўзбўй Умрзоков раҳбарлик қилётган Мирзо Улугбек номида ширкат хўжалиги пахта даладарига айникса, ҳосилини несобуд қилмай етиштириб олишга алоҳида эътибор берилаётган. Бу йил ширкат хўжалиги аъзолари 550 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 26,5 центнер ўрнига 28 центнердан ошириб ҳосил етиштириб, юксак хирмон бунёд этишга бел боғлашган.

ЮКОРИДАГИ СУРАТДА ширкат хўжалиги тафтиш комиссияси раиси Нўрможон Мирзаахмедов илгор бригада бошлиғи Мирзатили Содиқов билан режадан ортиқча берилдиган ҳосилини чамаламақда.

Чинозлик пахтакорлар бу йилги маъсумда Тошкент вилояти бўйича пешадамлик қилишмоқда. 20 минг тонналик улкан пахта хирмонини четдан ҳашарчиларни жалб этмай ўз кучлари

Рустам АХМАДАЛИЕВ олган суратлар.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

Опти киши жароҳатланди

Индонезиянинг Амбон шаҳрида бомба портлаши натижасида опти киши жароҳатланди. Полиция бомбани яроқсиз ҳолга келтирмоқчи бўлаётган вақтда у портлаб кетган. Жароҳатланганлар орасида икки нафар полициячи ҳам бор.

Маҳаллий аҳоли бозорда шубҳали туғунни топиб олиб, полицияга хабар берди. Қозирда текшириш олиб боришмоқда. Амбон Жаҳотадан 2300 километр шарқда жойлашган ва Малука оролларидаги асосий шаҳарлардан саналади. Уч йилдан зиёд вақтдан бери бу ерда насронийлар ва мусулмонлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб турибди. Бунинг натижасида 5000 дан кўпроқ одам ҳалок бўлди.

Худудий низолар туфайли

Катталиги жихатидан Колумбияда учинчи ўринда турадиган Меделине шаҳрида «Колумбия инқилобий курулди кучлари» (КИКК) партизанлари ва «Ўз-Ўзини мудофаа бирлашган кучлари» кўнгиллилар ўртасидаги тўқнашу натижасида уч нафар кўнгилли ва тўрт деҳқон ўлдирилди.

Полициячиларнинг айтишича, тўқнашув худудий низо натижасида содир бўлди.

Шубҳали шахслар қўлга олинди

Қувайтда АҚШ денгиз пйбда аскарларидан бирини ўлдирган ва иккинчисини жароҳатлаган шу мамлакатнинг икки фуқаросига ердан беришда гумон қилиниб, бир неча киши қўлга олинди.

Қувайт ташқи ишлар вазири шайх Мухаммад Салим Сабоҳнинг маълум қилишича, шубҳа остига олинган бир неча гуруҳ аъзолари қўлга олинди. Вазирининг баёнот беришича, Қувайт барча чораларни қўради. Шунга қарамай у қўлга олинганларнинг аниқ сонини айтмади. Маълумки, яқинда Американинг Қувайтдаги ҳарбий базасига икки нафар қўрланган киши кириб келиб, автоматдан ўт очган. Бунинг натижасида икки америкалик ҳарбий яраланди. Кейинчалик улардан бири ўлди. Жиноятчилар воқеа содир бўлган жойда ҳарбийлар томонидан ўлдирилди.

Бен Ладин издошларининг

набатдаги тахдиди

Яқинда Associated Press Television News агентлиги Усома бен Ладиннинг бош ёрдамчиси Аймон Заваҳирининг суҳбати ёзилган тасмани қўлга киритди. Унда бен Ладиннинг ёрдамчиси АҚШ ва унинг иттифқочиларига янги ҳужумлар, иқтисодийга зарбalar беришга тайёрилик айтишгани айтилган.

Суҳбатнинг қачон ёзиб олинганлиги номаълум. Лекин унда Ироқ муаммолари ва шу йилнинг 1 июлида Афғонистоннинг бомбардимон қилинганлиги ҳақида таъкидланган.

Буш тинч аҳолини ўлдирмасликка чакирди

АҚШ Президенти Жорж Буш исроилликларнинг Газо худудида кейинги ҳужумлари натижасида 15 нафар фалястинлик ўлдирганлигидан жиддий ташвишда эканлигини билдирди. У Исроил ҳарбийларини ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун чиққан тинч аҳолига зарар етказмасликка чакирди. Ок уй матбуот қотиби Ари Флейшер бу ҳақда маълум қилди. 16 октябрь кунги Вашингтонда Буш билан музокарачиларини ўлдирган Исроил бош вазири Ариел Шарон Хан-Юнисда ўлдирилганлар учун таъсиф билдирди. Бироқ у фалястин жангарилигига янги зарбalar берилишини маълум қилди.

«Туркистон-пресс»

ҲАМДУСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида қатнашди. Учрашу шу йилнинг 6-7 октябры кунлари Молдова пойтахти Кишинёвда бўлиб ўтди.

МДҲга аъзо ўн икки мамлакатнинг Президентлари ҳамдўстлик фаолиятини такомиллаштириш, ҳавфсизликни мустаҳкамлаш ва умумий ахборот маконини шакллантириш тадбирларини қўриб чиқишди. МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисининг якунларига қўра, қуйидаги ҳужжатлар имзоланди: МДҲ мамлакатлари ҳарбий-техника ҳамкорлик дастури, МДҲ давлатларида демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларнинг андозалари тўғрисида конвенция, МДҲ давлатларида фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида конвенция, Ҳамдўстлик давлатлари худудларида биргаликда аксилтеррор тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида протокол ва бошқалар.

Яқин икки йил ичида жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш Дастури ва наркотикларни ноқонуний олиб ўтишга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик концепцияси алоҳида тасдиқланди. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасида Аксилтеррор марказининг бўлимини очиш тўғрисида битимга эришилди.

МДҲ органлари фаолияти самардорлигини ошириш ва уларнинг тузилмаларини қулайлаштириш давлат раҳбарлари муҳокама қилган асосий масалалардан бўлди. Аксилтеррор марказининг Марказий Осиё минтақаси бўйича бўлимини тузиш ҳам МДҲ давлатлари раҳбарларининг диққат марказида бўлиб қолди. Кенгаш мажлисида 2003-2004 йилларда жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш бўйича давлатлараро дастури, наркотик воситалар, психотроп моддаларни ноқонуний олиб ўтишга қарши МДҲ давлатлари ҳамкорлиги концепцияси муҳокама этилиб, қабул қилинди. Бундан ташқари, МДҲ давлатлари раҳбарлари чегара соҳасида МДҲ мамлакатлари ҳамкорлигини такомиллаштириш дастурини тасдиқладилар.

Иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ яқин матбуот анжумани ўтказилмади ва журналистлар олдида фақат Россия Президенти Владимир Путин сўзга чиқди. У

хусусан шундай деди: — Ишонимизки, бизлар келишган ҳолда қўйган қадамлар МДҲ ишларининг самарасини оширади, қабул қилинган қарорларнинг янада тезкор ва таъсирчан амалга оширилишини таъминлайди. Бундан ташқари, МДҲ раҳбар идоралари ўртасидаги ваколатларни аниқ белгилаш, ҳамдўстлик тузилмаси, унинг ишчи идораларини соддалаштириш тўғрисида келишиб олинди. Умумий тахдидларга зарба бериш бўйича биргаликдаги тадбирлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилиб, биргаликда аксилтеррор тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқловчи ҳужжат имзоланди. Бизлар МДҲ аксилтеррор марказининг Марказий Осиё бўлимини тузиш тўғрисида қарор қилдик. Бу жанубий йўналишдан пайдо бўлаётган ҳавфларга, жумладан нихоятда ўсиб бораётган наркотикларни ноқонуний олиб ўтишга қарши чоралардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, ўшбу оғатга

қарши чораларни белгиланган махсус конвенция қабул қилинди. Биз бу ишларни қатъий давом эттирамиз. Иқтисодий ўзаро сай-харақатлар ҳам муҳокама қилинди. Бизлар МДҲ миқёсида эркин савдо зоналарини ташкил этишининг муҳимлигини тасдиқладик. Барча шерикларнинг манфаатлари бунда тўла-тўқис ҳисобга олинди.

Қабул қилинган қарорлар шубҳасиз, давлатларимиз, уларнинг интеграцияси учун нихоятда муҳим, деб таъкидлади В. Путин. — Аммо яна бошқа муҳим масалалар ҳам бор. Биз Ҳамдўстлик салоҳиятини ўстириш йўлида олға боришга келишиб олдик ва навбатдаги учрашувага қадар экспертлар биргаликда ишлаб яқин йилларда қабул қилинадиган қарорларни муҳокама қилиш учун замин тайёрлайди. Бунда МДҲ тузилмасини такомиллаштириш муҳим масалалари, Россия вакиллари МДҲ раҳбар органлари билан боғлиқ асосий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш тақлифлари билан чиққани ҳисобга

олинади. Мен Ҳамдўстлик мамлакатлари раислиги лавозимига Украинанинг номзодини қўриб чиқишни тақлиф қилдим. Бу масала бизнинг кейинги учрашувида низо ҳужжатларига тегишли тўзатишлар киргизиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда қўриб чиқилади.

Кейинги уч йиллик муддатга МДҲ ижроия қотиби қилиб Юрий Яров тайинланди. Учрашу чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Молдова раҳбари Владимир Воронин билан учрашди. Мулоқотда террорчиликка қарши кураш, наркотикларни ноқонуний олиб ўтиш муаммолари, эркин савдо зоналарини барпо этиш, иқтисодий интеграция масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Кишинёвга учибдан олдин Ҳамдўстлик тўғрисида ўз фикрини маълум қилди: МДҲ доирасида ҳамкорлигининг самардорлиги йилдан йилга суяйиб бормоқда. Аммо Ўзбекистоннинг ундан чиқши нияти йўқ, деб қайд этди у.

Мен қатъий айтман: Ўзбекистон ҳеч қачон МДҲни рад этмайди, — деб таъкидлади Ислом Каримов. — Бизга бу ташкилот зарур. Чунки унда 12 та давлат раҳбарлари учрашади. Бизда бошқа ташкилот йўқ. Агар МДҲ тарқатиб юборилса, унда нима бўлади? Телефонда суҳбатлашамизми? Мен яна тақоррайман: Ўзбекистон учун МДҲ зарур ва биз унинг келажига тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Бироқ энг катта давлат бўлган Россия томонидан

наси бош оператори бўлиб ишловчи Ю. Фармоновни аттестациядан ўтказиш эвазига пора тариқасида 1500 АҚШ долларини олган вақтида ушланиб, суднинг ҳукми билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Чирқик шаҳар ҳокимияти назорат инспекцияси бош нозир Зокиржон Доинёров таъмағирлик йўли

«Туркистон-пресс»

АХБОРОТ

Мансабдор шахслар томонидан содир қилинаётган суиистеъмолчиликлар ва порахўрлик жиноятларига қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар натижасида жиноят устида қўлга олинган мансабдор шахслар суд ҳукми билан тегишли жазога тортилмоқдалар.

Фарғона вилоят ҳокимлиги дин ва жамоат ташиқлотлари мажмуиси бош мутахассиси Отабек Шодиёв фуқаро М. Ориповни хаж сафарига борувчилар

гуруҳи раҳбари этиб тайинлаш эвазига, ундан 300 АҚШ доллари ва 50000 сўмни пора тариқасида олганида ушланиб, суд ҳукми билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Сурхондарё вилояти нефт маҳсулотлари корхонаси бошлиғи Рустам Бегалиев, Жарқўрган туман нефт маҳсулотлари корхо-

наси бош оператори бўлиб ишловчи Ю. Фармоновни аттестациядан ўтказиш эвазига пора тариқасида 1500 АҚШ долларини олган вақтида ушланиб, суднинг ҳукми билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Чирқик шаҳар ҳокимияти назорат инспекцияси бош нозир Зокиржон Доинёров таъмағирлик йўли

ДАСТУР ЧОП ЭТИЛДИ

Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув адабиётлари, журналлар ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислом Каримовнинг иккинчи чакирди Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасини ўзгариш ўрганиш бўйича услубий тавсиялар ва дастур нашрдан чиқарилади.

Академик Тўхтапўлат Рискиев илмий муҳаррирлигида миллий истиклол гоёси туркуми остида тайёрланган маърузада асослаб берилган тараққиётимиз тамойиллари, миллий истиклол гоёсига таянган ҳолда тайёрланди. Рисола аввалида Юртбошимизнинг юқорида қайд этилган маърузаси матни келтирилган. Маълумки, ушбу маърузада Президентимиз томонидан мустақилликнинг 11 йиллигига босиб ўтилган йўл, мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида эришилган натижалар, жамият ривожланишининг асосий босқичларини атрофича таҳлил этилиб, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг янги вазиятлар ва замон талабларини ҳисобга олган қатор йўналишлари ва тамойиллари белгилаб берилган. Рисоланинг кириш сўзида Президентимизнинг маъкур маърузасини халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасаларида атрофича ўрганиш ва муҳокама қилиш тавсия қилинган.

Шунингдек, услубий тавсиялар, дастур, унинг мазмуни, маъзуси ва машғулотлар бўйича саволлар келтирилган. Бундан ташқари, маъруза бўйича ўқувчи талбалар учун мўлжалланган машғулотлар давомида фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати келтирилган. Ушбу рисола ўқитувчи ва профессорлар ҳамда маънавият ва маърифат соҳаси фаоллари учун мўлжалланган.

«Обуна — 2003»

«АДОЛАТ» ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Азиз муштарий! «Адолат»га 2003 йил учун обуна бошланди. Армонда қолман! У Сизга энг яхши суяччи, энг яқин ҳамроҳ, энг яхши кўмакдошнингиз бўлиб қолади.

ОБУНА БАҲОСИ:
Якка тартибдаги обуначилар учун:
Олти ойга — 5970 сўм.
Бир йилга — 11940 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун:
Олти ойга — 6360 сўм.
Бир йилга — 12720 сўм.
Нашр кўрсаткичи — 100.

Эслатма: вилоятларда газетани етказиб бериш ҳисобига обуна баҳоси бир мунча фарқ қилиши мумкин. Шошилинг: 2003 йилда биз билан бирга бўлинг!

ТАХРИРИЯТ.

Муносабат

ТИЛ –
МИЛЛАТ РУҲИ

Тил – миллат рамзи. Шунинг учун ҳам жамият тараққиёти, тарих, ривожланиш жараёнлари энг аввало тилда акс этади. Тил халқнинг маънавий мулки. Унда халқ ҳаёти, миллат, мафкура ифодаланади ва рўёбга чиқади. Демак, тил инсон фаолиятини бошқариб турувчи қуролдир.

Давлат тили тушунчаси давлат мустақиллигидан келиб чиқади. Ҳар бир мустақил мамлакат ўзининг давлат тилига эга бўлади ва ҳар бир халқ ўз она тилининг раванга учун курашади. Президентимиз Ислам Каримов бу борада шундай дейди: «Жамияти эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакор жозибаси билан сингади. Ота тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз она тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши мумкин».

Ўзбек тилшунослиги, унинг тармоқлари ривож топган тилшунослик шарофати билан янада ошди. Ўз Конституциямизнинг яралиши, янгидан-янги қонуний акт, ҳужжатларнинг қабул қилиниши, содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар ўзбек тилининг тармоғи ҳисобланган – юридик терминологияси шаклланиши учун қулай шароит яратиб берди.

Ўзбекистонимиз суверенитети юриспруденцияга бўлган эътиборни тубдан ўзгартирди. Биз ўз Конституциямизга эга бўлдик, қонунларимиз миллий тус олди ва энг асосийси – мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини илмий ўрганиш давлатимиз сиёсатининг муҳим вазифасига айланди. Президентимиз томонидан мазкур масалага жуда катта эътибор берилмоқда. Инсон ҳуқуқларига оид қатор тadbирларнинг амалга оширилиши, қонуний ҳужжатлар яратилиши, фикримизнинг далилдорлиги.

«Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт» – деб таъкидлайдилар Юртбошимиз.

Бунинг учун ҳар бир фуқаромиз давлатимиз қонунларини пухта билимго, англамоғи лозим. Қонунларимиз қанчалик аниқ, тушунарли бўлса, унга риоя қилиш ҳам ижобий бўлади. Бунда албатта она тилимизнинг хизмати бекиёсдир. Чунки ҳар бир қонун қиммати энг аввало тил ҳал қилади. Яъни, қабул қилинаётган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари қанчалик содда, аниқ, раван тилда баён этилса, улар қишлар онги, тафаккурига тезроқ отиб боради ва ўзининг ижтимоий таъсирчанлигини оширади. Зеро, ҳуқуқий маданият жамиятдаги сиёсий аҳволни белгилайди.

Она тилимизга Давлат мақоми берилганлиги, унинг халқроқ микёсда обрў-эътибори ортиб бораётгани, ҳаётимизнинг кундан-кунга раванқ топиши ўзбек терминологиясини ҳар томонлама пухта ўрганиш зарурлигини тақозо этмоқда. Чунки фан, техника, илм, маданият ва сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар тилга таъсир қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Шундай экан, ўзбек тилшунослигининг ҳозирги кундаги долзарб вазифаларидан бири – терминология тизимини яхлит, яъни, монографик тарзда ўрганишдир.

Фаннинг барча тармоқларига оил терминларни, шу жумладан, ўзбек юридик терминларини системалаштириш, уларни давлат стандартларига мослаштириш ва унификациялаш (бир хиллаштириш) ҳуқуқшунос ва тилшунослар олдига турган, ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимизнинг раванқ топишида, ҳуқуқий давлат қуришда ҳуқуқ ва тилининг ўзаро алоқадорлиги, улар ўртасидаги муносабат муҳим аҳамият касб этади. Юридик соҳа ривожланар экан, юридик тил унга параллел равишда ривожланади, юридик терминологияси раванқ топади. Аммо шу билан бирга бу борада айрим ноаниқлик ва хилма-хилликларнинг мавжудлиги ҳам намойён бўлиб қолмоқда. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун махсус тадқиқотларни амалга оширишни давом эттириш лозим. Буларнинг ҳаммаси она тилимизнинг ҳозирги юридик терминологиясини яхлит ҳолда ўрганишни тақозо этади.

Гулнора ҒУЛОМОВА,
Тошкент Давлат юридик
институтининг катта ўқитувчиси.

Дунё бўйича хайратомуз башоратлар кезиб юрибди: «2004 йил одам қишлоқларида, 2021 йилда Марсга биринчи марта инсон оёғи етади...» Буларнинг бари инсон онгининг тараққиётдан башорат эмасми? Аслида ҳам онг ривож қилинган табиий ҳодисамики? Утган аср бошларида, 1917 йилда Чимкентда таваллуд топган Асолат Ирмаговнинг икки йил ичида Тошкентдаги тўрт йиллик хотин-қизлар техникумининг тугатиши, ўқиш билан бирга Зарбдор ва Пичокчилик маҳалларида хотин-қизлар саводини чиқариш ишларида фаол қатнашиши ҳам инсон ақл-завоқатининг ўсишидан далолат бермайдими?



Техникумин тугатган уч киздан бири бўлган Асолатхон Наманганга ишга жўнатилади. У ота-онаси билан Наманганга йўл олишида, Суфизода маҳалласидаги 12-мактабда она тилидан ўқувчиларга сабоқ берди. Киздаги туғма салоҳияти пайкаган туман маориф

бўлимидагилар уни шу мактабга мудира қилиб тайинлашди.

Асолатхон ўқув-тарбия ишини яхши йўлга қўйди. Мактабни таъмирлаш ишига эътиборни қўйди. Шу борабарида кўплаб жамоат юмушларини ҳам адо этди. Асолатхон илмий режадаги ишнинг тугатилган, ота-онаси билан яна Тошкентга қайтди. Чимкентдаги 30-мактабга мудирлик қила бошлади. Ишдан ажралмаган ҳолда (1936 йилда) Тошкент Давлат педагогика институтини тарих факультетидаги кириб ўқиди. 1941-45 йиллардаги меҳнат фаолияти учун уни «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирлашди. 1948 йилда эса, Республика Маориф министрлигининг «Халқ маорифи аълочили» ни-

шонини олди.

Кейин турмушга чиқди. Иккинчи фарзанди йигирма кунлик бўлганда турмуш ўртоғини Фаргона канал қурилишига жўнатишди. Айни уруш авжига олган кезлари эмасми, турмуш ўртоғи Фаргонага борган кунлик «жангоҳда алоқачилар танқис», деб урушга

☆

МУКАРРАМА АЁЛ

жўнатиб юборишди. Асолатхон эри билан хайрлаша олмади. Қайнона-қайнота Чимкентда, Асолатхон чақалогини онаси тарбиясига қолдириб, ишга тушиб кетди. Уни Сағбондаги боғчага мудира қилиб тайинлашди. Боғча икки қаватли бўлиб тепа қаватда сил касалликлари шифохонаси жойлашган. Пастки қаватда ошхона, хожатона, ахлат тўқиди, ҳеч бир гигиена қоида-қоида тўғри келмас эди.

Асолатхон раҳбариятга мурожаат этиб, агар пул ажратилса, боғчани қайта қуришга

министри Фатхулло Юсупов келиб қилиб, қисқа вақт ичида боғчадаги ўзгаришларни кўрди. Уни яна кенгайтириш учун 20 минг донна пишшиқ, 46 куб тахта-ёғоч берди. Иккита 5,5 метрлик ёшига қараб болалар бўлими, 2 та 3 метрлик болаларнинг кийимлари, сочқилари сақланадиган хона қуриб битказилди. Боғчада бўлимлар сони 10 тага етказилди.

Асолатхон боғчага қабул қилинаётган болаларнинг энг аввало овози, нутқиға эътибор берди. Ўз малакаси ҳақида ҳам ўйлаб қўриб, Педагогика институтининг мактабга тарбия факультетига ўқишга кириб, уни 1951 йилда тугатди.

Энди Асолатхон бошқараётган 12-болалар боғчаси шаҳардагина эмас, балки республика тарбия алмашиш марказига айлантирилган эди. Замонавий ошхона, бассейн, гулзорга, боғ-роғга айлантирилган боғчага ота-оналар боласини ҳавас билан олиб келишини орзу қила бошлашди. Қачонлардир 13 ўринга мўлжалланган боғча 240 ўринга айланди.

Ким курса бу боғча эмас, болалар санаторийи, дейдиган бўлишди. Тарбияланувчи-

лар республика марказида ташкил этилган барча байрамларда ўз санъатлари билан қатнаша бошлашди.

Асолатхон Ирмаговани бахтли аёл, десак бўлади. Турмуш ўртоғи иккинчи жаҳон урушидан бир ойгидан ажралиб бўлса ҳам, оиласи бағрига қайтиб келди. Уларнинг икки фарзанди 6 нафар бўлди. Бугун Асолатхон ая 16 нафар, 23 аврага севишли бўвжон бўлиб қолди, қарилқаштининг сурмоқда.

Фарзандлар, дўстлар қурувчидан ҳам улғу бахт борми дунёда. Дўстларнинг ёнида бўлса, ҳеч нарсага зорикмайсан, деб тўғри айтишган экан, дейди Асолатхон Ирмагов. – Бир кун эриқимиз нималигини билмайман. Беэтибор қолганим йўқ.

Ха, элга муқаррам бўлган Олпоғам ҳам азиз бўлади. Доимо азизу муқаррам бўлиб қолинг, ажгон.

Холтош УСМОНОВА.

Пахтазор полвонлари

МЕХНАТ СУРУРИ

Талабалар даврида ёддан чиқмайдиган энг аjoyиб воқеа – ҳамкурслар билан хашарга бориш эканлиги ҳақида катта ёшдаги зиёвлар хайжон билан гапиришди. Ина, биз ҳам шундай кунларга етдик! Истихон туман Тиббиёт коллежида ўқишга кириш бахтига мушарраф бўлганда бундай хашарга чиқиш ҳақида ширин суҳбатлар қурадик. Ўқув даргоҳида ҳамма сипо юрди, муомалалар ҳам ўзгача. Кимнинг ҳаракати, маънавий дунёси қанча эканлигини билиш қийин. Ҳақиқатан ҳам тенгдошларнинг билан далада пахта териш, сунг ётоқхонада ёнма-ён гурун қилишнинг гашти бошқача экан. Бу ерда ҳамма қадрдон бўлиб қоларкан. Инсоннинг, ҳаётнинг, ўқини ва танлаган касбининг ҳам қадрига етишга ўрганишкан. Хашарда ким нимага қодирлигини, аjoyиб истёвдо соҳибларини кўриб хайратга тушаркансиз.

Бир неча кундириқ тумандаги «Азамат», «Меҳнат – роҳат», Хамид Олимжон номли, Шароф Рашидов номли, Алишер Навоий номли ширкат ҳўжалиқларида пахтакорларга мададкор бўлямиз. Бўлуси шифокорлар учун бу ҳам ўзига хос мактаб. Инсон саломатлигини сақлаш силрларини ўрганиш борабарида уларнинг меҳнат шароитларини ҳам амалда қўриш фойдадан холи эмас. Қолаверса, чинқиш, жисмоний меҳнатда тобланиш талаба учун ҳам муҳимдир. Инобат Маликова, Навотой Шодмонова, Умида Қўбасова, Сокина Даминова, Дилфўз Жалилова, Севара Жалилова, Комил Норов, Азамат Ибрагимов, Лубатхон Халилова сингари сергайрат тенгдошларимиз барчага ўрнатилган ширкат қўлини қўйиб, маданий дам оламиз, китоб мутлоа қиламиз, шахмат-шашка ўйнаймиз. Вақти-вақти билан турли тadbирлар

Каттақўрғон тумани заршунослари пахта йигим-теримини кун сайин қизитмоқдалар. Бу ерда мавжуд ишчи кучлари ва терим техникаси далаларга тўла сарфлар этилганлиги туфайли ҳам зафар маррасини эгаллаган ҳўжалиқлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Хусусан тумандаги Жума Хаитов номли ширкат ҳўжалиги миришқорлари қисқа муддатда пахта тайёрлаш режаларини ошириб урдаладилар. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб «оқ олтин» териб олинди.

«Каттақўрғон маскиси» ширкат ҳўжалиги аъзолари узум ва мева ҳосилини териб олишган, пахта хирмонини юксалтириш учун астойдил ҳаракат қилишяпти. Пахтакорлар ҳар гектар ер ҳосилдорлигини 30 центнердан ошириш учун далаларда зарбдорчасига тер тўқишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Жума Хаитов номли ширкат ҳўжалигининг зиммасидаги мажбуриятини ошириб урдалаган Жўра Халимов (ўртада) бошлик бригада пахтакорлари 40 центнерлик маррани эгаллаш учун йигим-теримини тобора кучайтиришмоқда. 2. «Каттақўрғон маскиси» ширкат ҳўжалиги раиси Илхом Мухаммадиев. У биринчи теримда 25 центнердан ошириб «оқ олтин» йиғиштириб олинган узум пайкаллардан яна қамаида 10-15 центнердан ҳосил олиш мумкинлигига ишончи қомил.

Каримжон РИХСИЕВ олган суратлар.

ўтказилади. Яқинда «Адолат» газетаси Бош муҳаррирининг ўринбосари Каримжон Рихсиев ва ёзувчи, Усмон Носир мукотиби лауреати Тўлқин Ёшбек билан бўлган учрашув талабаларда катта таассурот қолдириди. Албатта, бадий ижодга қизикқант талабалардан Шайридин Ахмедов, Сокина Даминова ва бошқалар ўзларининг дил сузларини баён этдилар. 213-гуруҳ талабаси Хайринисо Маликованинг айнан шу пахта далаларида ёзган янги шеъри эса барчанинг қалбини ҳаяжонга солди:

Она Ватан! Киндик қоним тўқилган ўлка,
Фарзандларинг мудом сенга елкама-елка.
Осейшда ҳаётим-чун ўзинг қалқоним,
Истиклолнинг мангу бўлсин, Ўзбекистоним!
Ўртимга бахшида – дилда неки бор,
Соғлом авлод учун бўлай шифокор.
Авлодлар бахти-чун жону ҳаётим,
Сенга таъзимдаман, Ўзбекистоним!

Бугун дехқонлар билан елкама-елка меҳнат қилишгаётган хашарчилар ҳаёт ҳақиқатини тўғри англайдилар. Яна бир аjoyиб хол шунки, ўқув юртида бизга таълим берадиган ўқитиларимиз бу ерда ота-онамиздек меҳрибон, қадрдон бўлиб қоларкан. Тиббиёт фанлари номзоди Жалол Тўрақулов, Нейматхон Абиев, Сайфиддин Аннақулов, Рустам Сидмуродов, Дилмурод Аскарлов, Ғулом Усаров, Раҳим Худойбердиев каби устозлар биз билан ҳаммаша биргадир. Республикаимиз пахта хирмони қанчалик юксак бўлса, ҳаётимиз, ўқимизни, орзулар қомолот чўқисига эришимиз учун мустаҳкамроқ пойдевор ўрнатилишини ҳар талаба дилдан ҳис этмоқда.

Эркин УСМОНОВ,
Иштихон туман Тиббиёт коллежи
биринчи курс талабаси.

«РАИС ЗҲҮРМИ
Ё ҚОНУН?»

(«Адолат» газетаси, 2002 йил, 11 май, №18)

Муштарийлар яхши эслайди: юқоридаги сарлавҳа билан «Журналист текшируви» руқни остида Хоразм вилоятининг Гулран туманидаги «Янгиобод» ширкат ҳўжалигида истиқомат қилаётган бир гуруҳ фуқаролардан туганган шикоят хатлари асосида танқидий мақола берилган эди. Унда «Янгиобод» ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Даврон Бобонийёзовнинг ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчиликка берилиб кетгани, оқибатда, бундан бошқаларнинг озор чекаётгани кўрсатиб ўтилган эди. Иш ҳақларининг вақтида берилмаслиги, ижара, томорқа учун ер сўраб ёзилган аризаларнинг қондирилмаётганилиги ана шу ҳақли эътирозларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлганди. Мақола текшириш учун қатор тегишли ташкилотларга жўнатилиб. Бироқ ҳанузгача унга Республика Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги, прокуратура идоралари, Хоразм вилоят ҳокимлиги жавоб қайтаргани йўқ. Бошқаларнинг наздида гўёки мақола сув тубига чўккан тошдек исиз қолиб кетди. Аммо «Янгиобод» ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Даврон Бобонийёзовнинг устидан тахририятимизга келаятган шикоят хатлари ҳалигача тингани йўқ. Қуйида уларнинг айримларидан намуналар келтирамиз.

«Мен «Адолат» газетасига шикоят аризаси билан илгари ҳам мурожаат қилгандим. Ҳаттимиз ўз исботини топиб, ҳўжалигимизда бўлаётган ноқонуний ишлар тўғрисида мақола чиқариш билан ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Тегишли ташкилотлар раисимизни қўллаб-қувватлаб турганидан кейин биздек оддий пенсионерлар нима ҳам қила олишарди? Қайта у ҳозир «журналист» ишдан бўшатилиб юбордим, мени ҳеч ким, ҳеч нима қила олмайдми» деб лоф уриб юрибди. Наҳотки раис ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб бермасми?

Аноргул МАШАРПОВА,
нафақахўр.»

«Мақолада ёзилган барча гаплар, келтирилган далиллар тўғри бўлишига қарамай «Янгиобод» ширкат ҳўжалиги бошқаруви ра-

иси Давлат Бобонийёзовга нисбатан тегишли ҳокимият ва адлия органлари томонидан қоралар қўрилмаётганлиги одамни таажублантиради. Ваҳоланки, қонунларимизда ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлиги учун жавобгарлик бор. Бироқ бундан тегишли ташкилотларни кўз юмаётганлигининг ўзиёқ ажабланили. У қариндош-уруғларнинг бошини силаб, фермерлик қилишлари учун барча шароитларни яратиб беради, мутасадди раҳбарлар буни қўриб қўрмаганликка олишади. Унинг қариндош-уруғлари қабил не не йиллардан бунён фермер бўлиб ер оламкан деб юрган одамлар қанча? Бу ноҳақликларнинг исзат-нафсига тегмайди? Ўзимиз ҳам неча йилдан бунён фермерлик қилиш учун ер оломай сарсон бўлиб юрибмиз. Қатор ташкилотларга бу ҳақда қилган мурожаатимиз оқибатсиз қолиб кетди. Аҳвол шу тарзда ке-

таверса бутун ширкат ҳўжалигини раис ўзини қилиб олади. У ҳолда бошқалар нима қилишарди? Ишлагандан қандай кун қўришарди? Бу ҳақда энди жиддий ўйлаб қўрилмаса, масала ижобий ҳал этилмаса бўлмайди.

Гулнора ЮСУПОВА.»

«Ширкат ҳўжалигидаги ҳозирги аҳвол юзасидан юқори ташкилотларга йўллаган шикоят аризамизга Хоразм вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари И. Тўраевдан «Шикоят аризамиздаги асосий ваҳингиз «Адолат» рўзномасидаги «Раис зўрми ё қонун?» сарлавҳали танқидий мақолада кўрсатилган бўлиб, ҳаттоликка йўл қўйгани учун «Янгиобод» ширкат ҳўжалиги раҳбарларига нисбатан Гулран тумани ҳокимлиги томонидан чора-тадбирлар қўрилган. Аризамиздаги бошқа ваҳларингиз бўйича қонунсиз ҳаракатлар аниқланмади», деган асосида жавоб олди. Қани бу ерда адолат, ҳақиқат? Биз хатда кўрсатган ҳар бир далиллар халқ кўз ўнгига бўлиб турган гаплар эди. Уни текшириш учун келган И. Тўраев биз билан атиги бир соатгина суҳбатлашди, кейин қорасини ҳам кўрсатмади. Бирон кун ҳам текшириш ўтказмасдан кетди. Наҳотки, олий маълумотли ҳуқуқшунос, кўп йиллар прокуратура, суд органларида ишлаган мутахассис оқни оққа, қорани қорага ажратма оласми? Раиснинг кўнглини топанам, деб халқни алдаса? Давлат мулкни, ерини талон-тарож қилиб, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик қабил иллатларга берилиб кетган раисимизнинг ноқонуний ишларни яшириб, унинг келажакда ҳам қонунбу-

зарлик қилиб, ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга имконият яратиб берса бунини қандай изоҳлаш мумкин? Майли, ҳокимимиз раисини «Хафа бўлма, сен ой боласан. Бема-лол ишининг давом қилдиравер» деб талтайтириб юборган бўлса бўла қолсин. Лекин Давронбек шунча гап-сўз бўлган бўлишига қарамадан ҳозирги кунда ҳам белини маҳкам боғлаб, давлат мулки бўлган ер, техникаларни ўз ошна-оғайниларига саҳийлик қилиб беришни тўхтатмапти. Шу ўринда бир воқеани батафсил келтирмасам бўлмайди: «Беш уй» қишлоғида жойлашган Улўбек номли ўрта мактабда бўлган йиғилишдан кейин туманимиз ҳокимига сўз берилди. У халққа қарата раиснинг устидан гап-сўзлар, ёзди-ёздилар қўлайиб кетганлиги ҳақида гапириб, «Ёзувчилар» Давронбек устидан қаерга ёзсалар ёзаверсинлар! Мен шу ерда ҳоким бўлиб турар эканман Давронбек ҳам мен кетгунча ишлайди» деди. Бундан шу нарсани англаш мумкин: демак раисга бу гаплар хоҳлаган ишини қилиб юриши учун қулай имконият эмасми? Нима ҳаққи бор экан ҳокимнинг оддий, ҳалол, меҳнаткаш халққа нисбатан бундай мурожаат этиб, дўқ-пўписа-лар билан қўрқитишига? Ахир Гулранимиз Матрасуловнинг отасидан қолган эмаску?



Ҳозир халқ орасида миш-мишлар тарқалапти. Гўёки мақола муаллифининг ёзганлари уйдирма ва тўхмат эмиш. Раис фахрийларини «Янгиобод» марказига ўз хузурига чақириб «Менинг устидан бўҳтон гаплар айтган муҳбирга нисбатан чора қўрилади. Яъни, ишдан бўшаттирдим», деган тўхмат гапларни гапириб халқни ишонтирмоқчи бўлди. Бу гапни у биз билан бўлган суҳбатда ҳам гапириб ўтди. У назаримда «Сизлар ким бўлибсизларки, менинг устидан ёздингиз», деган ҳаёлга бориб ҳаттоки бизни қўрқитмоқчи ҳам бўлди. Ваҳоланки адолат эмас, адолат енгади. Ҳар ким ўз қилмишига яраша бир кун бўлмаса бир кун жавоб бериши муқаррар. Шундай пайтларда раиснинг бошини силанган, унга ҳомийлик қилган, уни қўллаб-қувватлаганлар қандай аҳволга тушибаркин? Ахир бир кун бўлмаса бир кун қўзанинг синиши табиийку?

Икром ҲОЗМЕТОВ,
Жуманазар ИСҲОНОВ.»

Акс садо

ТАХРИРИЯТДАН: Ана шунақа гаплар. Ваҳоланки, бу моҳаролар ниманинг орақасидан келиб чиқаяпти? Нега «Янгиобод»дан юқори ташкилотларга ёзилаётган шикоятларнинг кети узилмаяпти. Демакки, бу ерда ноҳақлик, адолатсизлик бор. У табиийки, ҳўжалиқдаги муҳитга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Ўз хизмат ваколатини суиистеъмол қилиб, қариндош-уруғчиликка, таниш-билишчиликка, ошна-оғайнигарчиликка берилган раиснинг устидан шу қадар гап-сўзлар қўпаяверар экан нега у ҳолда тумандаги мутасаддилар эса бундан кўз юмиб туршибди. Биз шу ўринда хатлардаги айрим ноқонуний ишлар тўғрисида тўхталдик, ҳоло. Қолганлари юзасидан тегишли ташкилотлар албатта ўзларининг ҳоли фикрларини билдиришади. Бизга эса энг муҳими шу ширкат ҳўжалигида истиқомат қилаётган аҳолининг ноҳақликлардан тинчи бўлишини! Ҳақ-ҳуқуқларни паймол этилмасин! Ҳаммага бир хил назар билан қаралсин!

Танқид нега ёзилади? Бундан мақсад эса шундай: келгусида шундай камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмаслиги, айрим фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилмаслиги, улар амалдаги қонунларга мувофиқ муҳофазаланишини ҳеч биримиз унутмаслигиниз керак. Хоразм вилоятида матботта шундай муносабат юзга қолган экан демакки, маҳаллий раҳбарлар танқидни тўғри ҳазм қила олишмайди. Унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўринни тўғри талқин этишолмайди. Оқибатда юқори идораларни аризалар кетидан аризалар босаверади. Бизнинг мақсад-муддаимиз эса битта: ким ҳоқ бўлса тегишли жаъсонин олсин! «Янгиобод» ширкат ҳўжалигидаги ўринсиз моҳароларга чек қўйилсин.



Босишга топширилди 20.00.